



ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИХАЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 август куни sanoat корхоналари, IT ва ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечириш, маҳаллаларда аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини sanoat салоҳияти билан танишишдан бошлади.

“Nukus Electroaragat” қўшма корхонаси 2017 йилда ишга тушган, унда электр энергияси тармоғи учун кучлини қурилмалари ишлаб чиқарилади. Жорий йил июнда бу ерда 10 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига қуёш панелларини яшаш лойиҳаси ишга туширилди. Усуналар Корея Республикасидан келтириб ўрнатилди. Ишлаб чиқариш жараёни 100 фоиз автоматлаштирилган. Лойиҳанинг йиллик қуввати 273 минг донна.

Бу мамлакатимизда муқобил энергетикадан фойдаланиш борасидаги ишларда қўл келди. Ҳозиргача турли иншоот ва хонадонларда 600 мегаватт қувватли қуёш панеллари ўрнатилган. Мазкур жараён ҳали давом этади.

Қўшма корхона ички бозорда талаб юқори маҳсулотни маҳаллийлаштириш билан бирга 4 миллион долларлик экспорт имкониятига ҳам эга бўлди. 70 киши иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари иш жараёнини кўздан кечирди, ходимлар билан суҳбатлашди. Мутасаддиларга бундай корхоналарни кўпайтириш, уларда бозор талаби юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди.

Заводнинг ўзида ҳам 125 киловатт қувватли қуёш панеллари ўрнатилган. Ундан олинган электр ички эҳтиёжлар учун ишлатилди, ортққаси ҳудудий электр тармоғига сотилади.

Сўнгги йилларда юртимизда 2 миллиард доллар инвестиция ҳисобига қуввати 2,6 гигаваатт 10 та қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Шунингдек, умумий қиймати 19 миллиард доллар бўлган 18,6 гигаваатт 32 та “яшил” лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Умуман, 2030 йилгача энергетика балансида қайта тикланувчи қувватлар улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Охири етти йилда Қорақалпоғистон Республикасида 17 триллион 800 миллиард сўмлик 6 минг 784 та лойиҳа амалга оширилган. Уларнинг натижасида 56 мингта иш ўрни яратилган. Шу даврда 2 миллиард 815 миллион долларлик экспорт қилинган. Бу йил республикада умумий қиймати 874 миллион долларлик 470 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу илчил давом эттирилиб, Қорақалпоғистонда хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 9,5 миллиард долларлик 124 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан қарийб 1 миллиард 800 миллион долларлик 10 та лойиҳа давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди.

Лойиҳаларга Хитой, Саудия Арабистони, Германия, Россия, Испания каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Улар энергетика, иссиқлик таъминоти, тоғон ва кимё саноати, қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни қамраб олган.

Масалан, Саудия Арабистони билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш, Испания инвестицияси иштирокида Қораўзак туманида қуёш ва шамол электр станциялари

қуриш, германиялик инвесторлар томонидан Нукус туманида мисни қайта ишлаш ва кабеллар ишлаб чиқариш лойиҳалари режалаштирилган.

Мазкур 124 та лойиҳа натижасида 20 мингдан ортққ аҳоли иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари ишбилармонларга ҳар томонлама мададкор бўлиб, лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу кун Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциялари ва sanoat корхоналари қурилиши бошланди, савдо мажмуалари ишга туширилди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожига ҳақида сўзлади.

Бунинг учун ҳудудда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги беш йилда sanoat, тадбиркорлик ва инфратузилма соҳаларида 50 дан ортққ имтиёз ва энгилликлар берилган. Хусусан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри ер ажратиш ҳуқуқи фақат Қорақалпоғистонда жорий қилинган. Қиймати 50 миллиард сўмдан юқори лойиҳаларга инфратузилма ҳам яратиб берилмоқда.

Имтиёзлар ҳисобига ўтган даврда тадбиркорлар ихтиёрида 2 триллион сўмдан зиёд маблағ қолган.

Ҳудудда ишбилармонлик инфратузилмасини яхшилаш учун 44,5 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Натижада охириги йилларда 25 мингдан ортққ янги тадбиркорлик субъекти пайдо бўлган.

Биргина ўтган йилда 345 миллион долларлик 1 минг 400 дан ортққ лойиҳа амалга

оширилиб, 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 730 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Қорақалпоғистонда чет эл капитали билан ташкил этилган корхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда. 2017 йилда 73 та хорижий ва қўшма корхона бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 175 тага етди.

Ҳозирда ҳудуд иқтисодиётига туртки берувчи қарийб 9,5 миллиард долларлик 120 дан ортққ янги йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар 2025-2028 йилларда босқичма-босқич ишга туширилади. Натижада 20 мингдан ортққ янги иш ўрни, 12 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ва бюджетга 500 миллиард сўм қўшимча тушум яратилади.

Давлатимиз раҳбари қурилиши бошланган ва ишга туширилаётган мажмуаларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

Юртимиздаги иқтисодий ўсиш суръатлари энергетика соҳасида улкан вазифаларни қўймоқда.

Сўнгги йилларда 2 миллиард доллар инвестиция ҳисобига қуввати 2,6 гигаваатт 10 та қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Йил якунига қадар қўшимча 1,5 гигаваатт қувватлар тармоққа уланиб, “яшил” энергия улуши 15 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, умумий қиймати 19 миллиард доллар бўлган 18,6 гигаваатт 32 та “яшил” лойиҳа амалга оширилмоқда.

Президентимиз бунда Қорақалпоғистон Республикасининг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Нуфузли тадқиқот институтлари ҳисоб-китобларига кўра, Қорақалпоғистонда 680 гигаваатт қуёш,

120 гигаваатт шамол энергияси салоҳияти бор.

2030 йилга қадар Қорақалпоғистонда 11 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига, жами 10,3 гигаваатт қувватга эга 10 та йирик шамол электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига 35 миллиард киловатт соат “яшил” энергия олинади.

Қувват узатишда барқарорликни таъминлаш учун Кўнғирот, Беруний ва Қораўзак туманларида жами 400 мегаватт 3 та электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилади.

19 август кунини ушбу лойиҳаларнинг бир нечтаси бўйича қурилиш ишлари бошланди. Биринчиси, Хитойнинг “Sany Renewable” компанияси томонидан Кўнғирот туманида қуриладиган қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик, 1 гигаваатт қувватли шамол электр станцияси. Иккинчиси, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси билан ҳамкорликда Беруний ва Қораўзак туманларида ташкил этиладиган қиймати 250 миллион долларлик 100 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизимига эга 200 мегаватт қувватли шамол электр станцияси.

Келгусида уларда йилга 4 миллиард 200 миллион киловатт соат ёки 1 миллион 750 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига таенг “яшил” энергия ишлаб чиқарилади. Натижада қарийб 1,3 миллиард метр куб табиий газ тежалди ва атмосфера зарарлини қарийб 2 миллион тоннага қисқаради.

Аҳамиятлиси, бу билан бир пайтда Кўнғирот туманида шамол турбинаси қисмлари, миноралари ва паррақларини ишлаб

чиқариш бўйича корхоналар қурилиши ҳам бошланмоқда. Натижада йилга 1000 мегаватт қувватли шамол турбина қисмлари ва 120 та минорани ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилиб, 100 миллион долларлик импорт ўринни босувчи маҳсулотлар тайёрланади. Бундан ташқари, Нукус туманида 24 миллион доллар инвестиция ҳисобига йилга 20 миллион донна иситиш радиаторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шаҳар ва туманларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шартлири яратиш масалалари ҳам эътиборда. Шу кунларда sanoat, кишлоқ хўжалиги, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 62 миллион долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилмоқда. Маросимда улардан иккитаси — Беруний тумани ва Нукус шаҳридаги йирик савдо мажмуалари очилди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги иншоотларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди. Барчани мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамиятга эга ушбу лойиҳалар билан табриклади.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркнинг Қорақалпоғистон филиалини бориб кўрди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳаси жадал ривожланмоқда. Етти йил олдин юртимизда IT компаниялари сони 147 та бўлган бўлса, бугунги кунда 2 мингтадан ошди. Уларда 30 минг нафар ходим юқори даромадли иш билан банд. 70 минг нафардан зиёд ёшлар IT билан мустақил шуғулланипти.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муқаддас ислом дини илмлари ривожига беқийс ҳисса қўшган буюк олим, ватандошимиз Имом Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг (кейинги ўринларда — Имом Термизий) улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларнинг қалбига миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2024 йил октябрь ойида Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш ва давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ҳафта муддатда Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини юқори нишонлаш бўйича, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин:

Имом Термизийнинг “Аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларини мотуридийлик ақида-си ва ҳанафийлик мазаҳбига таянган кўп жиддлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаш ҳамда уларни нашр этиш;

Имом Термизий ҳаёти ва илмий меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги

аҳамиятини очиб берувчи илмий-оммабоп ҳужжатли фильм яратиш ва саҳналаштирилган спектакль намойишини ташкил этиш;

Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган эсдалик сувенирларини муомалага чиқариш ҳамда почта маркалари, тақвимлар, унинг ҳаёти ва илмий меросини ёритиб берувчи бошқа кўргазмали ахборот воситалари туркумини яратиш;

2024 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда конференция доирасида Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш;

► Давоми 2-бетда

Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишлари қаторига киритилди. Уни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида улкан тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлар билан ишлаш барча бўғинлардаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифасидан бирига айлантирилди, алоҳида ҳудуд ёки тармоқларда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича махсус фармон ва қарорлар тайёрланмоқда, видеоселектор йиғилишлари ўтказилмоқда, уларда соҳанинг келгуси тараққитига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишлардаги чиқишларида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришнинг захира ва имкониятларини очиб беришга жуда катта эътибор



қаратмоқда. Мазкур мақолада тадбиркорликни ривожлантириш, унга аҳолини кенг жалб этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган

тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси мисолида таҳлил қилинади.

► Давоми 3-бетда

ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИХАЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида шу соҳада экспорт ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш ва 300 миң нафар ёшани иш билан банд қилиш режалаштирилган. Чекка ҳудудларда ҳам IT-шаҳарчалар ташкил этишга киришилган.

Хусусан, Қорақалпоғистонда IT-парк резидентлари сони ўтган йил якунига нисбатан бутунги кунда уч баробарга ошди, 108 тани ташкил этди. Улар томонидан 310 нафар мутахассис иш билан таъминланган. 2024 йилнинг биринчи ярмида хизматлар ҳажми 2,4 баробарга, экспорт ҳажми эса 1,7 баробарга кўпайди.

Таълим резидентлари томонидан 25 миң нафар ёш ва давлат хизматчилари ўқитилиб, малакаси оширилди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида онлайн платформа орқали 2023 йилда 18 миң нафар ёш ўқитилган бўлса, 2024 йилнинг шу кунига қадар 29 миң нафар ёш ўқитилди. Жорий йил 33 миңдан зиёд ёшга таълим бериш режалаштирилган.

Бу натижалар яратилган шароит инъикоси. Давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳудудга ташриф ҳақида IT-парк учун янги бино қуриш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ, Нукус шаҳри марказида 17 қаватли замонавий бино бунёд этилди. Бу ерда IT-таълим ва коваркинг марказлари, офислар, конференция зали ва хизмат хоналари мавжуд. Шунингдек, бинога IT-парк резидентлари, соҳада фаолият олиб бораётган инвесторлар, чет эллик аутсорсинг корхоналар жойлаштирилди. Илгари икки қаватли бинода очилган IT-парк бутун муҳташам мажмуғамга кўчгани режалар улканлигидан дарак беради.

Президентимизга бинода бажарилган ишлар, соҳадаги натижалар ва режалар ҳақида ахборот берилди.

Масалан, аввал АКШнинг Амазон компаниясида ишлаган қорақалпоғистонлик Бекназар Абдикамалов юртига қайтиб, ўзининг НУРО стартапига 4 миллион доллар сармоя жалб қилган. Давлатимиз раҳбари у билан суҳбатлашиб, ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбари IT-парк резидентлари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан мулоқот қилди. Ёшларнинг фикрларини тинглаб, таклифларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

— Бу соҳада стартапларни ҳаётга таъбиқ этсак, ҳам тармоқларда натижадорлик ошади, ҳам давлат харажати камаيдади, ҳам ёшлар учун иш ўринлари пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бинода UZINFOCOM марказининг филиали ҳамойиланган. Марказ ҳудуд ёшларини ишдаги дастури орқали замонавий касбларга ўқитади. Малакаси оширилган кадрлар ўз соҳаси бўйича замонавий компанияларга ишга жойлашади.

Президент барча ҳудудларда IT-парклар учун давлат-хусусий шериклик асосида шундай кўп қаватли бинолар қуриш зарурлигини таъкидлади.

— Уларда муҳит шундай бўлиши керакки, ёшлар ўзини эркин ҳис қилсин. Овқатланиш, дам олиш, спорт ва бошқа хизматлар мужассам бўлсин. Бинолар шаҳарлар марказида, ёшларга қулай жойда бўлгани маъқул, — деди давлатимиз раҳбари.

Маъқур IT-паркни Қорақалпоғистон туманларидаги мактаблар билан боғлаб, соҳага қизиққан ёшларни ўқитиш, келгусида юқори даромадли ишларга жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилинчи тиббий ёрдам илимий маркази Қорақалпоғистон филиалига ҳам борди.

Бу марказ илгари эски бинода жойлашган эди, бир хонада 4-5 бемор ётар, санитар хоналар умумий эди. Замонавий ускуналар учун мос келмай қолганди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикасида 2022-2024 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаз қилишни янада кучайтириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида тиббий хизматлар сифати ва қамрови ошиб бормоқда. Хусусан, шу йил февралда Нукус шаҳрида Республика шошилинчи тиббий ёрдам илимий маркази Қорақалпоғистон филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда “нолдан” қурилган биринчи кўп тармоқли шифохона бўлди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди.

4 қаватли янги бинода шошилинчи қабул-диагностика, реанимация, жарроҳлик, неврожарроҳлик, травматология, кардиология, гинекология, педиатрия, лаборатория ташхис ва амалиёт бўлимлари жойлашган. Барча бўлимлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. 130 ўринли янги мажмуада беморлар ва шифокорлар учун барча шароит яратилган. Бир хона икки кишига мўлжалланган, алоҳида санитар хоналари бор.

Бемор ҳаётини сақлаб қолишда вақт асосий ўринда туради. Шу боис, марказда беморларни касаллик даражаси бўйича саралайдиган триаж бўлими ташкил этилган. Янги муружаат қилган инсон вақт йўқотиб, сарсон бўлиб юрмайди. Бу ерга шифокорнинг ўзи тушиб, беморни қайси соҳада даволаш зарурлиги бўйича хулоса қилади ва керакли бўлимларга йўналтирилади.

Олдин муружаат қилган беморларнинг ақсарияти шифохонада ётқизилган. Эндиликда муайян тиббий муолажалардан кейин, беморнинг ҳолатига қараб яшаш жойида амбулатор даволашнига рухсат берилади. Шунингдек, илгари юрак-қон томир касаллиги билан муружаат қилган беморларга оддий текшириш усулларидан ёрдам кўрсатилади. Энди янги келтирилган замонавий ангиография ускунаси инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда яхши самара бермоқда.

Ўлим ва ногиронликка олиб келиш ҳолатлари кескин камайди.

Натижада бутунги кунга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиб келинган айрим мураккаб жарроҳлик амалиётлари эндиликда шу ернинг ўзига ўтказилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида илк маротаба сунъий қон айланиш аппарати орқали беш нафар беморнинг юрагида очиқ жарроҳлик амалиёти олиб борилди.

Мультиспирал компьютер томографияси, ультратовуш, лаборатория ускуналари касалликларга эрта ташхис қилиш имконини бермоқда. Телемедицина орқали узокдаги беморларни даволашга ҳам ҳисса қўшилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шифохонани самарали бошқариш, амалиётни ўқиш билан боғлаш масалаларига эътибор қаратди.

— Янги бино ва ускуналар ишининг бир қисми. Энди марказ фаолиятга замонавий менежментни жорий қилиш керак. Тиббиёт ривожланган мамлакатлардан тажрибали шифокорларни мuddатли жалб этиш, хорижда мутахассислар малакасини ошириш мақсадга мувофиқ. Умуман, бу марказ илмий-амалий тиббиёт академиясидек фаолият юритиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Туман тиббиёт биноларидаги шифокорлар ўз ихтисослиги бўйича бу ерга малака ошириб, ўз тажрибасини ҳудудларда жорий этиши муҳимлиги таъкидланди.

Қайд этиш жоиз, Қорақалпоғистонда 2017-2024 йилларда: “Бир қадам” тамойили асосида 74 та оилавий шифокорлик пункти, 81 та оилавий поликлиника, 92 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Ихтисослаштирилган марказлар ҳудудий филиалларида 150 турдаги янги технологиялар жорий этилди. Йилга 4500 нафар беморнинг Тошкент ва чет элга бормасдан юқори технология ёрдам олиш имкони яратилди. Тўртқўл, Қўнғирот ва Чимбой туманларида қўшма шикастланнишлар ва ўтқир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиб, йилга 11 миң нафар беморга туманларнинг ўзига шошилинчи ва малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши таъминланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Кегейли туманидаги Жузимбағ маҳалласида бўлди.

Бу ерда 4 миң 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. Учта мактаб, олтинта бoгча, етмишдан ортиқ таълим олинган субъектида аҳоли доимий иш билан банд.

Чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган бу ҳудудда 990 та хонадоннинг томоқаси бор. Сайхунбод таърибаси асосида маҳаллий имониятлар ишга солинмоқда.

Хусусан, деҳқончилик учун 174 нафар фуқарога 128 гектардан ортиқ ер узоқ мuddатга ажратилган. Улар деҳқончилик қилиб, рўзгор учун қўшимча даромад қилмоқда. Иссиқхона ташкил этилиб, йилга икки марта ҳосил олиниши йўлга қўётган оилалар сони кўпаймоқда.

Маҳаллада “Orol Agro” корхонаси томонидан “Ёшлар узум боғи” ташкил этилган. Унда 40 кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб берилган.

Воиш усулида парварши қилинаётган бу тоқорнинг қатор ораларида ҳам омиқкорлик билан фойдаланилмоқда. Турли сабзавотлар етиштирилиб, 400 тоннагача маҳсулот олиноқда. Токлар тўлиқ ҳосилга кириши билан йилга қиймати 4 миллиард сўмлик 200 тоннага яқин маҳсулот олиниши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда деҳқончилик қилаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашди.

Улар сўнгги йиллардаги имониятлардан фойдаланиб, деҳқончилик учун ер олгани, полиз экинлари ва кўкатлар етиштириб, даромад топаётганини айтди. Режа ва ниятлари ҳақида гапирди.

— Сизларнинг ишли бўлганингизни, кўзингиздаги ишончи кўриб, хурсанд бўлдим. Ўзи меннинг энг катта мақсадим шу — халқимни рози қилиш, бахтли қилиш. Қилаётган ишларимиз тўғри, фақат уни кенгайтиришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ёшларнинг таклифлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун совиткичи омбор қуриш, эҳтиёманд йигит-қизларнинг тўйлари ва шартнома тўловларига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу кун Кегейли туманида Қорақалпоғистон Республикасининг ихтимой-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокама си бўйича йигилиш бўлиб ўтди.

Барча ҳудудлар қатори Қорақалпоғистонда ҳам драйвер йўналишларда инвестиция, иш ўрни, экспортни кўпайтириш чоралари қўрилмоқда. Утган даврда Қорақалпоғистонда 1,4 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция эвазига 150 та лойиҳа ишга тушган. Тадбиркорлар 12 миңдан 25 миңга, тижорат майдонлари 1,5 миллион квадрат метрга кўпайиб, 212 миң киши доимий ишга жойлашган.

Бизнес ва инвестиция учун қулай муҳит натижасида тадбиркорлик ривожлантириши. Масалан, фаолиятини микролойиҳадан бошлаган 13 миң тадбиркор кичик бизнесга, яна 351 таси ўрта бизнесга ўтди. Йиллик “айланмаси” 100 миллиард сўмдан юқори тадбиркорлар 43 тага етди.

Ижтимоий инфратузилма натижасини одамлар ўз ҳаётида кўрмоқда. Хусусан, мактабга таълим қамрови 28 фондан 84 фoнга ошди. Янги 21 та мактаб қурилди, яна 243 таси тўлиқ таъмирланди.

Яқин-яқингача ўз ўйинга мулк ҳуқуқни бўлмагани сабабли 100 миңдан ортиқ аҳоли қийналиб келаётган эди. Бу муаммо ҳал бўлиб, 27 миңга хонадонда яшовчи фуқароларнинг уй-жойига бўлган мулк ҳуқуқни эътироф этилди.

Қорақалпоғистонда Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жағғармаси ташкил қилиниб, 452 та маҳалланинг ҳар бирига 500 миллион сўмдан ажратилди. Натижада, 316 километр ички йўл таъмирланди, 151 километр электр тармоғи янгиланди, 55 километр газ ва 112 километр сув тармоғи ўтказилди.

Осиё тараққиёти банкидан жалб қилинган 274 миллион доллар ҳисобидан “Бухро — Нукус — Бейнов” йўналишидаги 240 километр магистрал йўл яқин кунларда ишга тушади.

Орол бўйидаги иқлим шароитини яхшилаш бўйича ҳам жуда катта дастур бошланган. Сўнгги етти йилда Орол денгизининг қўплагани ўрмонзорлар барпо этилди. Экотизмини яхшилаш, шўрланган, сувсиз муҳитда янги нав ва уруғларни яратиш учун Оролбўйи халқор инновация маркази ташкил этилди.

Яқинда қишлоқ хўжалигини иқлимга мослаштириш дастури тасдиқланди. Унга кўра, Орол бўйида иқлим ўзгариши оқибати номуштага 80 миллион доллар ажратилади. Ушбу маблағлар 100 миң гектар яйловни деградациядан чиқариш, туپроқ-иқлимга мос кунжуқ ва қовун навларини етиштириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш ва қадрлар тайёрлашга берилади.

Шу билан бирга, фойдаланилмаган имониятлар ҳам кўп. Айрим инвестиция лойиҳалари ижроси сўст. Йил бошидан бери Қорақалпоғистондаги 19 миң корхона 350 миллиард сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Натижада тадбиркорлар “соя” дан чиққани, фаолиятини кенгайтиргани ҳисобига 4 миң аҳоли ишга бўлди. Лекин имтиёз олган 6 миң корхонада иш ўринлари камаяган.

Аслида, Қорақалпоғистонда бизнес учун яратилган имоният ва шароит бошқа бирорта вилоятда йўқ. Бу имониятлар лойиҳа ва иш ўрнига айланганда, кўрсаткичлар 5-10 қарра юқори бўлади.

Шу сабабли ярим йил якунлари бўйича Қораўзак ва Тахياتош ҳoқимлари ишдан қолган. Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Қўнғирот, Қонлиқўл, Мўйноқ, Тахтақўпир, Тўртқўл, Хўжайли ва Чимбой туман ҳoқимларига интизомий жазо қўлланган.

Ингилишда республикадаги улкан имониятлар кўрсатиб ўтилади.

Масалан, йил бошидан бери Қорақалпоғистонда 1 миллион 300 миң сайёҳ келган. Лекин меҳмонхона ўринлари кам. Агар ер берилса, тадбиркорлар замонавий меҳмонхона ва конгресс холл қуриш истажини билдирган.

Нукус шаҳрида жойлашган “Аччиққўл” атрофидаги 20 гектарда турар жой, замонавий меҳмонхона ва дам олиш масканларини ташкил қилиш мумкин. Дўстлик ва Кегейли каналлари, Хўжайлидаги “Тасли жап” ва “Ширин жап” каналлари бўйида савдо ва кўнғилочар маскан ташкил этса бўлади. Амударё, Тўртқўл, Берунийда ҳам туристларнинг жалб қилиш бўйича жуда катта салоҳият бор.

“Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов” йўли бўйидаги 140 гектар ерда 300 та савдо ва сервис объектини жойлаштириш бўлади. Эллиқалбада замонавий бозор қурилса, савдо ва хизматлар кўпаяди.

Ўтган йили Беруний туманидан 22 гектар ер ажратилиб, Ургут эркин иқтисодий зонаси ҳудуди кенгайтирилган эди. Лекин шу пайтгача бу ерда бирорта ҳам лойиҳа қилинмаган. Ваҳоланки, бу ҳудудда барча инфратузилма бор, темир йўл ҳам ўтган. Хомашё захиралари ҳам ёғнинасида жойлашган.

Қорақалпоғистондаги ер ажратишни соддалашган тизими иқтисодий зона ҳудуди учун ҳам жорий қилинса, бу ерда 320 миллион долларлик лойиҳаларни жойлаштиришга бўлади.

Инвесторлар Қораўзақдаги Қойбақ маҳалласиданги 500 гектарда қўйчиликка ихтисослашган кластерни ишга тушириш учун 10 миллион доллар сармоя киритишга тайёр. Бу кластерда 10 миң бош қўй боқиқиб, 100 тонна гўшт етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари бундай имониятларни ишга солиб, иқтисодиётини ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Қорақалпоғистонда бу йил бошласа бўладиган 1,9 миллиард долларлик 103 та йирик лойиҳа шакллантирилган. Тармоқлар йўналишида ҳам бир йил ичида жами 275 миллион долларлик 14 та лойиҳа ишга туширилади. Умуман, яна 9,5 миллиард долларлик 120 дан зиёд истиқболли лойиҳалар тайёрланган.

Мутасаддиларга тадбиркорлар билан ишлаб, ҳар бир туман кесимида “Қорақалпоғистонда бизнес қилиш” дастурини тайёрлаш вазиётида қўйилди. Бу дастур Қорақалпоғистонда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни ривожлантириш учун янги нафас, камида 10 миллиард долларлик инвестиция ва 500 миң иш ўрни учун катта замин бўлади.

Бир сўз билан айтганда, қорақалпоқ элининг эртаси бутундиган яхши бўлиши учун катта марралар олинган. Бунинг учун барча ҳамжиҳат бўлиб, фидокорона меҳнат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда туркий халқларнинг улғуш оирси Ажиниёзининг 200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Давлатимиз раҳбари шойрининг халқ учун хизмат қилган фидойи эътиборини “ҳазрати инсон” деб атаганини ёдга олди ва барчани шундай ишлашга дэъват этди.

— Аввал ҳам айтганимдек, ўзбек ва қоракалпоғистон тарихи ҳам, тақдири ҳам бир. Мен ишонаман, бизнинг ёруғ, бахтли келажимиз ҳам албатта бир бўлади. Бу йўлда сизларга, ҳурматли ёшули ва тадбиркорларимизга янги ютуқ ва омадлар тилайман, — деди Президент.

Ингилишда Қорақалпоғистон Республикаси ва тармоқлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳoқимлари муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборот берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АБВАЛҲОЕВ, Довуд АБДУВЎЛЛАЕВ, ўЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Имом Термизий зиёратгоҳига олиб борувчи йўл инфратузилмаларини яхшилаш, жумладан, ёдгорлик мажмуаси ва унга туташ ҳудудларини ободонлаштириш;

Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Имом Абу Исо ат-Термизий мажмуасида Имом Термизий ва термизий алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг **нодир қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китобларининг кўргазмасини** ташкил этиш.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда 2024 йил сентябрь-октябрь ойларидан Термиз давлат университети ва Ўзбекистон халқор ислом академиясида Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жағғармаси маблағлари ҳисобидан “**Термизий алломаларининг илмий-маънавий мероси: ўтмиш ва бугун**” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ҳамда Имом Термизий ҳаёти ва илмий фаолиятига оид **илмий мақолалар танловининг** ўтказсин;

аллома ва муҳаддас олимларимизнинг илмий мероси ва ноёб қўлёзма асарларини ўрганиш бўйича Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жағғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларига давлат бюржумасини белгиланган тартибда шакллантириб бoрсин.

5. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига имом-хатиблар ва диний таълим муассасалари талабалари ўртасида “**Имом Термизий асарлари бўйича ҳадислар**

билмидони” танловини ўтказиш ва гоилибларни муносиб тақдирлаш тавсия этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳoқимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда жойларда 2024 йил давомидан Имом Термизийнинг илмий меросига бағишланган давра суҳбатларини ташкил этиш.

7. Ўзбекистондаги Ислом цивилизациясини маркази ва Имом Термизий халқор илмий-тадқиқот маркази Маданий мерос агентлиги билан биргаликда:

Имом Термизий илмий меросига мансуб қўлёзма, қадимий китоблар, ноёб асарлар ва бошқа маданий бойликлар реставрация қилинишини ҳамда уларнинг лозим даражада сақланишини таъминласин; хоржий мамлакатларда сақланаётган Имом Термизийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳамда у яшаган даврга оид ноёб қўлёзма асарлар ва бошқа маданий бойликларини аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва тадқиқ қилишини тизимли равишда ташкил этсин;

Имом Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган юқори сифатли медиа маҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

8. Сурхондарё вилояти ҳoқимлиги: Кадастр агентлиги ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой мuddатда Термиз шаҳри, Шимолӣ дарвоза кўчаси, 3-уй манзилда жойлашган Имом Термизий халқор илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари учун ҳoқимлар маблағи ҳисобидан қуриб битказилган 5 та хизмат уйлариининг қонунчиликда белгиланган тартибда марказга мулк ҳуқуқни асосида бепул бeрилишини;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Термиз шаҳрида Имом Термизий халқор илмий-тадқиқот марказига туташ ҳудудда жойлашган диний таълим муассасалари учун ўқув ва бошқа зарур биноларнинг қурилиб, фойдаланишга топширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва “Дунё” ахборот агентлигига Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бoриш тавсия этилсин.

10. Маъқур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 15 август

Марказий сайлов комиссиясида

Сийсий партиялар сайловда иштирок этиши ва депутатликка номзод кўрсатиши учун сайлов кампанияси эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ миң сайловчининг имзосини тўплаши зарур.

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Қонунчиликка кўра, ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тўпланган сайловчиларнинг имзолари республика бўйича тўпланиши лозим бўлган имзоларнинг кўпи билан саккиз фо

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!



2023 йили қурилиш соҳасида 5,3 триллион сўмлик иш бажарилиб, тармоқ жами 3,2 мингдан ошди аҳолини иш билан таъминлаган. Қурилиш ишларида кичик бизнес улуши эса 2017 йилдаги 77,4 фоиздан 2023 йилда 90 фоизга етди.

Янги Қорақалпоғистонни барпо этишда тадбиркорлар фаол иштирок этмоқда



Одил ОЛИМЖОНОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 2017 йилдаги 55,7 фоиздан 2023 йилда 58,7 фоизга етди.

Аввал 16 туманидан 12 таси дотацияда бўлган Қорақалпоғистон бугунги кунга келиб, ўз даромадига эга ҳудудга айланди. Хусусан, тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари билан 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Инфраструктура объектлари ва аҳолига уй-жой қуришда ҳам тадбиркорлар фаол иштирок этмоқда. Масалан, мазкур даврда инфра-тузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, жами 3528 километр сув таъминоти тармоғи ва 90,8 километр газ қувури фойдаланишга топширилди. Утган етти йил мобайнида ҳудудда 6 миллион 217 миң квадрат метр уй-жой қурилди, мактабгача таълим ташкилотларида 21,2 миң тарбияланувчи, мактабларда 58,8 миң ўқувчи ўрни яратилди.

2023 йили қурилиш соҳасида 5,3 триллион сўмлик иш бажарилиб, тармоқ жами 3,2 мингдан ошди аҳолини иш билан таъминлаган. Қурилиш ишларида кичик бизнес улуши эса 2017 йилдаги 77,4 фоиздан 2023 йилда 90 фоизга етди.



оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, фойда, айланмадан солиқ, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баробар пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоз қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш мақсадида ҳудуд учун махсус

камбағалликни қисқартириш энг ўқтир ва долзарб масалалардан. Уларни ечишда “қуйдан тепага” усулида ишлаш жуда муҳимдир. Шу муносабат билан мамлакатимизда “маҳалла еттиллиги” тизими жорий этилган. Бу борада Қорақалпоғистоннинг 452 та маҳалла ва овулида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли,

чиқариш (гранит, металлпрокат, гипсокартон, қизилмия ва ун маҳсулотлари) линиялари яратилди. Уларда қораўзақлик 300 аёл иш билан таъминланди.

Сидрарё вилоятидаги “Бест сан ойл” корхонаси Қонликўл туманида лойиҳа қиймати 256 миллиард сўм бўлган 3 та (10 миң тонна мойли экинларни қайта ишлаш, 250 тонна мойли экин етиштириш ва 1300 тонна қандолат ишлаб чиқариш) корхона фаолиятини йўлга қўйди ва натижада 650 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Тошкент шаҳридаги “АКФА Ассэмбли” корхонаси томонидан Нукус шаҳрида лойиҳа қиймати 65,5 миллиард сўм бўлган, йилга 300 миң квадрат метр замонавий эшик ва ром ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди, 230 та иш ўрни очилди. Бундай миқдор жуда кўп.

Тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллийлаштиришнинг ҳам ўрни катта. Уни рағбатлантириш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди. Жамғармадан импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарган ва самарали ишлаётган маҳаллий тадбиркорларга субсидия ва солиқ имтиёзлари берилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилда ички ва ташқи бозорларда харидорлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 40 лойиҳа доирасида 425,1 миллиард сўмлик (34,5 миллион АҚШ доллари) импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича иллик режа тасдиқланган эди. Унга асосан, 2023 йил якуни билан лойиҳалар бўйича 34 турдаги 671,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа 157,9 фоз бажарилди.

Жумладан, ДСП ва ЛДСП маҳсулотлар, қуёш энергетикаси ёрдамида сув иситкич, полетиленли илгардан тўр, иссиқхоналар учун профилдан каркас, бўёк маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти жуда катта. 2023 йилда илгари фойдаланишдан чиқиб кетган 13,1 миң гектар ер қайта ўзлаштирилди. Умуман олганда, бириктирилган вилоятлар келгуси уч йил давомида 92,5 миң гектар ерни қайта ўзлаштириши мўлжалланмоқда. Натижада ўн миңга яқин иш ўрни яратилди, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга катта ҳисса қўшилди.

Аграр соҳада яна бир янгилик бошланди. Пахта ва галла майдонлари ҳисобидан 6 миң гектарни бир ой мuddатда танлов асосида, биринчи навбатда, “Темир дафтар” даги эҳтиёжманд аҳолига шаффоф механизм асосида ажратилди.

Пахта ва галла ҳосилдорлигини ошириш аграр соҳа самардорлигини янада кўтартиришнинг муҳим усулидир. Шу бос, бу йил 4,1 миң гектарда томчилаб сугориш тизими жорий этилиб, 28,5 миң гектар ер лазерли текисланади ва бунинг ҳисобига ҳосилдорлик пахтачиликда 30,7 центнерга, галлачиликда 45,1 центнерга етказилади.

Келгуси истиқболлар

Президентимиз раислигида жорий йил 10 январь куни ўтказилган йиғилишда Қорақалпоғистонда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳолати таҳлил қилинди ва келгуси мақсадлар белгиланган.

2024 йилда ҳудудда тадбиркорликни янада ривожлантириш чоралари кўриломоқда. Зеро, айни пайтда Қорақалпоғистон аҳолиси 2 миллиондан ошди ва ҳар йили меҳнат бозорига 50 миң ёш кириб келмоқда. Уларни замонавий касб-хунарларга ўқитиб, даромадли иш ва муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш кераклигига алоҳида эътибор қаратиломоқда.

Жумладан, саноат устун даражада ривожлантирилади. 2024 йили саноат тармоқларида 2 триллион сўмлик янги қувватлар яратилиб, унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 23 триллион сўмга етказилади. Ҳудуд саноатининг етакчи йўналишлари бўлган тўқимачилик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари тармоқларида 5 триллион сўмлик 24 та ирриқ лойиҳа ишга туширилади.

Ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган жозибдор муҳит унга хоржий инвестиция жалб қилиш имкониятини оширмоқда. 2024 йилда Қорақалпоғистонга 2 миллиард 100 миллион доллар хоржий инвестиция жалб этиш чоралари ишлаб чиқилган. Улар ҳисобига саноатда 206 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 240 та, қишлоқ хўжалигида 34 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Янги қувватларда 13 миңга яқин юқори даромадли иш ўрни очилади.

Минтақада саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа хизматлар жадал ривожланаётгани экспорт имкониятини оширмоқда. 2023 йилда экспорт ҳажми 326,5 миллион долларни ташкил этган. 2024 йил 6 ойликда эса 186,7 миллион долларлик экспорт қилинди ва бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 139,5 фоизни ташкил этади.

Ҳудуддан асосан, пластмасса ва ундан ясалган маҳсулотлар, кимё саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия ресурслари, хизматлар ва бошқа маҳсулотлар Хитой, Россия, Қозғоғистон, Корея, Беларусь, БАА, Қатар, Қирғизистон каби 44 давлатга экспорт қилинмоқда.

Янги иш ўринлари яратишда тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Жумладан, 51 та саноат зонасида 775 миллиард сўмлик 71 лойиҳани бошлаб, мингта иш ўрни яратиш назарда тутилди. Ёки 10 миң гектар бўш ер савдога қаршилиб, бунга 20 миңга тадбиркорлик жалб қилиш мумкин. Бу ҳолда камиди 50 миң иш ўрни яратилади.

Шунингдек, нуруда конларга саноатни олиб кириб, 7,5 триллион сўмлик лойиҳалар ҳисобига 10 миң аҳолини юқори даромадли иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Туризмни ривожлантириш тадбиркорлар сонини кўпайтиришда муҳим омилдир. Шу бос, Қорақалпоғистонда туризмнинг эко, этно, зиёрат йўналишларини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, туризм кластери ташкил этиш, Германия, Жанубий Корея, Япония ва Туркиядан мутахассислар таклиф этиб, ёшларни чет тил, ахборот технологиялари, дизайн, меҳмонхона хизмати каби 17 турдаги замонавий касбга ўқитиш назарда тутилмоқда. Нукус аэропорти ривожлантириш ва авиақатновларни кўпайтириш, янги меҳмонхоналар қуриш, музейларни модернизация қилиш, йўл бўйи хизматларини кенгайтириш тадбирлари ҳам туризмни янада ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишга муҳим ҳисса қўшиши мумкин.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш, уни давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш орқали Қорақалпоғистонда таъминлиқни таъминлаш ва барчани юқори даромадли иш билан таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиломоқда.

Янги Ўзбекистондаги шарт-шароитлар тўғрисида Қорақалпоғистон тадбиркорлари бугун катта кучга айланди. Улар ҳудуд иқтисодиётининг қатор тармоқ ва соҳаларида алдақадор карвонбошлиқни қўлларига олди. Ўз меҳнатлари билан янги Қорақалпоғистонни барпо этиш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Ишбилармонлар сафи қарийб 70 фоиз кенгайди

Қорақалпоғистон Республикасида кейинги етти йилда тадбиркорликни ривожлантириш борасида улкан тадбирлар амалга оширилди, ишлар муҳити тубдан яхшиланди. Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегиялари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилги ва 2021 йилги сайловолди дастурлари, қатор фармон ва қарорларида янги Қорақалпоғистонни бунёд этиш бўйича катта мақсад ва вазифалар белгиланган, ғоят улкан режалар тугилди. Бу вазифалар йиллик давлат дастурлари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ҳудудий дастурларда, йиғилишларда янада аниқлаштирилиб бориломоқда.

Мазкур ҳужжатларда тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиломоқда. Жумладан, Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни кенгайтириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун шу вақт мобайнида барча манбалардан жами 5,8 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Натижада Қорақалпоғистонда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли сони (ЯТТ билан биргаликда) тобора ошиб бормоқда. Масалан, 2017 йилда тадбиркорлик субъектлари сони 35,3 миңга бўлган бўлса, 2023 йилга келиб, 59,6 миңга етди ёки 68,7 фоз ошди.

Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2017 йилдаги 22,4 миңдан 2023 йилда 39,3 миңга (ўсиш — 1,8 баробар) етди. 2024 йилнинг 1 июль ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг 5,5 миңгаси (25,1 фоз) саноатда, 3,2 миңгаси (14,5 фоз) қишлоқ хўжалигида, 13,3 миңгаси (60,4 фоз) хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида охириги етти йил мобайнида Қорақалпоғистонда 508 миңга яқин иш ўрни яратилди.

2017-2023 йиллар давомида Қорақалпоғистоннинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 3 баробар ошди ва 32,9 триллион сўмга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бу даврда 17,8 триллион сўмга етди ёки 2,6 баробар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 3,6 баробар ўсди. Кўрсатилган хизмат турларининг кенгайиши ва уларга талабнинг тобора ортиши натижасида бозор хизматлари ҳажми 3,6 баробар ошиб, 2023 йилда 12,9 триллион сўмни ташкил қилди.

Бундай юқори ўсиш суръатларини таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг ҳам ўрни катта бўлди. Уларнинг ялпи

Яшиллик Мўйноққа янги имкониятлар яратяпти

Орол денгизининг қуриган тубида 2018-2024 йиллар оралигида жами 1865,3 миң гектар майдонда фитомелиорация ишлари бажарилди. Бунинг учун жами 7434,6 тонна чўл ўсимликлари уруғлари тайёрланди. Шундан саксовул 4639 тонна, қорабарак 2016 тонна, черкез 5 миң тонна, қандим 665,6 тонна, бошқа турдаги чўл ўсимликларидан 109 тонна уруғ жамланиб, экилди. Уруғ жамғариш ишларига Мўйноқ тумани аҳолиси ҳам жалб этилиб, йилга ишсиз 1000 кишининг бандлиги таъминланди. Натижада мўйноқликлар томонидан жами 1712,5 тонна уруғ йиғилди. Орол денгизининг қуриган майдонда экилган ўрмонзорлар қум кўчиши ва чанг-туз ҳавога кўтариллигининг олдини олади, экологини яхшилашга хизмат қилади.

Урмон массивлари яратилиши бу жойларда тадбиркорликнинг турли йўналишларини ривожлантиришга шароит яратяпти. Масалан, чорвачилик ва эготуризмни йўлга қўйиб, сайёҳларни жалб қилиш орқали тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлади.

51 миң ошанинг уй-жой шароити яхшиланди, 401 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Натижада аҳолининг турмуш даражаси ошди ва уларда бизнес билан шуғулланишга молиявий имконият пайдо бўлди.

Жозибдор бизнес муҳити ва ҳудуд аҳолисига қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфраструктураларини жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини

имтиёзлар жорий этилди. Мўйноқ, Тахтақўпир, Бўзатов, Қўнғирот, Шуманай, Қораўзақ, Қонликўл, Кегейли ва Чимбойда бўш турган давлат объектларини тадбиркорларга сотишда аукцион савдода бошлангич нарх баҳолаш қиймати 50 фоизи миқдорда белгиланади. Тўловлар 2 ой ичда тўлиқ тўлаб берилса, 20 фоз чегирма берилган бўлди. Тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашга ҳам рухсат бор. Бу тартиб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотиб олишга ҳам таътиб этилади.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам аҳолини муносиват иш ва даромад билан таъминлаш, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори сифатида 2486 ёш иш бошлагани айни мuddао бўлди.

Ҳоким ёрдамчилари 2024 йилнинг ўзида 6500 та янги тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, 120 миңга иш ўрни яратиш, 10,8 миң ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш режаларини тузган. Ушбу вазифаларни бажариш учун 355,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 20 миллиард сўм субсидия ажратилиши назарда тутилган.

2024 йилнинг 6 ойида 6194 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 68 миңта иш ўрни яратилди, 5 миң ишсиз аҳоли касб-хунарга ўқитилди. Ушбу вазифаларни бажариш учун 226 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 11,5 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Камарбасталик

Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар тадбиркорлари иштирок этмоқда. Улар 2022-2024 йилларда ўзларига бириктирилган шаҳар ва туманларда қиймати 524 миллион долларлик 305 та янги лойиҳа бўйича иш бошлади, натижада 18,6 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Наманганлик тадбиркорлар Қораўзақ туманида жами 2,5 миң гектар майдонда бог ташкил қилмоқда. Саноат ва бошқа йўналишларда ҳам 16 та лойиҳа рўёба чикарилмоқда. Уларда миңдан ортқ янги иш ўрни очилди. Наманганнинг “Lider Asteyes”, “FNX export consulting group”, “Наманган Нукус голден боғлари”, “Stadion stroj” ва бошқа корхоналари томонидан логистика, чорвачилик ва ишлаб



Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига ИНТЕРВЬЮ

Тадбиркорлар доим мамлакат тараққиётида муҳим ўринга эга бўлган. Негаки, шу соҳа сабаб иқтисодий барқарорликка эришилади. Бу ўз-ўзидан таълим ривожини, ишсизликка барҳам бериш каби кўплаб ижтимоий масалаларга ечим бўлади. Шу маънода, ишбилармонларни юртга энг кўп нафти тегадиган ватанпарварлар десак, муболага бўлмас.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг “Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига 33 интервью” рукни орқали 20 август — Тадбиркорлар куни муносабати билан бир гуруҳ соҳа вакилларига минбар бердик. Юртнинг чинакам фарзандлари бўлган ишбилармонларнинг фикри, ота маконимизга бўлган меҳри ва дил изҳори Сиз азиз ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамыз.

Тахририят



МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?

Ватаннинг ҳар қарич ери қадрли



Абдулла ЯРЛАҚАБОВ,
Сайхунбод туманидаги “Ғаллакор ҳамкор” фермер хўжалиги раҳбари, “Илгор фермер” кўкрак нишони соҳиби

севамиз. Унинг тупроқ кўчалари катта-кичик ариқлари, барчаси ўзгача кўринади. Бирор муддат кўрмай соғинганингизда унинг биргина гиёҳи ҳам кўнглида бошқача ҳиссиёт пайдо қилади.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий кентлари замонавий шаҳар ва қишлоқларимиз билан бирга дашту далаларимиз ҳам бизга Ватан. Шу боис, улар қадрли ва муқаддас. Халқимиз ўз меҳнати билан шаҳарлар ва қишлоқларни обод қилиб яшаб келаяпти. Ана шу меҳнаткаш эл қандай давр, шарт-шароит бўлишига қарамай, шу заминга меҳр қўйган, уни ёздаги жазираси, қишдаги қаҳратони билан бирга қабул қилган. Яъни баъзан инжиқ табиати, ноқулай шароити билан ҳам тиллашиб, доимий яшайдиган маконга айланган.

Она юрт тупроғи, деган жумла оддий, самимий ва айни пайтда залварли. Унинг инсон кўнглида қандай қилиб мустаҳкам жой олишини, муқаддаслигини ҳеч бир чиройли сўз билан тўла ифодалаб бўлмайди.

Ватанга меҳр-муҳаббат, соғинч унинг ҳар қарич ерига муносабат ва қарашларимизда акс этса керак. Инсон ўзи тугилиб улгайган заминнинг шаҳари қишлоқларини, тоғу даштларини бирдек яхши кўради. Маънавиятнинг таянчи бўлган ўлмас қадриятларини, эзгу урф-одатларини тарғиб этади. Айтايлик, кимдир ота-бободан қолган далаларни яхши кўраман, деса бу ҳам Ватанга меҳр ва садоқатини билдиради. Агар бошқа бири бошидаги дўпписи билан фахрланса, у ҳам шу заминга меҳрнинг тимсоли бўла олади.

Хуллас, ҳар биримиз ўз туғилган гўшамизни қандай бўлса, шундайлигича

хўжалигига энг илгор, жумладан, сувни тежайдиган технологияларни, биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновацион соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этиш талаб қилинмоқда.

Юртимизни яхши кўрамыз, биз ҳам унинг янада обод, дастурхони мўл-кўл бўлиши учун ҳар қарич ерига оқиб, фермер хўжалигимиз ҳар йили вилоят бўйича ғалла ва пахта этиштиришда яхши натижаларга эришиб келади. Мақтанмишга йўйманг, бу фахр. Туманимиздаги “Сирдарё политех” кластер тизими юртимиздаги 100 дан ортиқ кластер ичида энг илгор ва ва самарали фаолият юритаётган 15 та кластер сафидан жой олган.

Инсоннинг нияти, орзулари қанчалик катта бўлса, меҳнати ҳам ундан заррача кам бўлмаслиги керак. Фикримча, ҳар бир киши оилада тотув муҳит яратиб олиши, жамиятда фаоллиги, яхши меҳнати билан эл-юртини қанчалар яхши кўришини билдира олади.

Инсоннинг фазилатлари кўп. Улардан энг муҳими ва умрга мазмун бахш этадиганларидан бири имон ва меҳнаткашлик, деб биланам. Биз Ватанга меҳр-муҳаббатимизни бутундан ҳам яхши натижаларга эришиш йўлидаги интилишимиз ва ҳалол меҳнатимиз орқали кўрсатаверамиз. Чунки Ватанимиз бунга ишонч ҳам, рағбат ва имкониятлар ҳам берган.

Инсоннинг нияти, орзулари қанчалик катта бўлса, меҳнати ҳам ундан заррача кам бўлмаслиги керак. Фикримча, ҳар бир киши оилада тотув муҳит яратиб олиши, жамиятда фаоллиги, яхши меҳнати билан эл-юртини қанчалар яхши кўришини билдира олади.

“Меҳрим бермасмидим ўша музларга?”



Матлубахон ВОҲИДОВА,
Сўх туманидаги “Мулки Бовоҳид” масъулияти чекланган жамият раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби

Мен анклав ҳудуд бўлган Сўх туманида яшайман. Яқин-яқингача туманимиздан вилоят марказига бориб-келиш азоб бўлган. Ушанда Қирғизистон орқали қатнашга мажбур эдик. Кундалик ҳаёт тарзимиз учун муҳим бўлган сув, газ, электр, йўл, тиббий хизмат билан боғлиқ оддий шароитлар йўқ эди. Саксон мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туманда айтишга ариштирилган ишлаб чиқариш тармоқлари қурилмаган. Янги уй-жойлар қуриш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қоплаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганди.

Кейинги йилларда туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жадал ислохотлар сўхликлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Бугунги Сўхни аввалги ҳолати билан қиёслаб бўлмайди. Замонавий корхоналар, осмонўпар уй-жойлар, кенг ва раво йўллар, ичимлик сув, электр таъминоти, тиббий хизмат билан боғлиқ ишлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бу баландларвоз гаплар эмас, айни ҳаёт ҳақиқати.

Ҳар бир инсон эзгу орзуларига йўлдош яшайди. Бунга эришиш учун, аввало, Ватанга муҳаббат, ота-она, эл-юртга беминнат хизмат қилиш каби эзгу фазилатлар мужассам бўлмоғи шарт. Мен, аввало, она, юртимнинг фаол аёли сифатида фарзандларим ёнимда бўлишини, олган билим ва малакаларини шу юрт равнақи йўлида сарфлашга чорлайман. Азиз Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салохиятини янада юксалтиришга барча баҳолиқудрат ҳисса қўйиши керак.

Сўх тумани Қалача маҳалласига келин бўлиб тушганимга чорак асрдан ошди.

Қишлоғимиз туман марказидан бирмунча олисда жойлашгани боис, ишлаб чиқариш тармоқлари йўқ, аксарият хотин-қиз, ёшлар ишсиз эди. Тикувчилик малакасига эга бўлганим учун шу йўналишда корхона ташкил этиш гоёси тугилди. Дастлаб, уй шароитида тикувчиликка қизиққан хотин-қизларни ишга жалб қилдим. “Устоз-шоғирд” аъналарига асосида “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинган ҳамда ногиронлиги бўлган аёлларга касб сирларини ўргатдим. Натигада 20 дан ортиқ хотин-қиз бандлиги таъминланди.

Шунингдек, корхонамиз қошида макорон ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. 50 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйдик. Маҳалла ҳудудида ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга янги уй-жойлар қуриб бердик. Бундан ташқари, Сўх туманида янги ўзлаштирилган Жавоя массивида 3 гектар ерда янги бог яратилди. Бугунга қадар барча йўналишларда 50 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Давлат-хусусий шериклик асосида маҳалла фуқаролар йиғини учун замонавий бино қурилиши поёнига етди. Биринчи қаватда маҳалла фаоллари учун керакли шарт-шароитлар яратилди. Юқори қаватда ёшлар учун дастурлаш, хорижий тилларни ўқитиш йўналишида ўқув марказлари ташкил этилди.

Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Унга муносиб бўлган ватансевар фарзандлар меҳнатининг махсули. Бундай юртни севмай, ватанпарвар халқимиз билан фахрланмай бўладими?

Чин дилдан меҳнат қилиб яшаш керак



Жамшид ЗОҲИДОВ,
Кармана туманидаги “Javlonbek Baraka Non” оилавий корхонаси раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиби

бўлиб туғилганман. Улғайиб бунга англай бошлаганимда, атрофимдаги инсонлар эшитиши, гапиришини тушунганимда, ўз аҳволимдан ўкинганим рост.

Шу азиз юртимда мен каби инсонлар учун ҳам бошқалар қатори барча имкониятлар яратилган. Тенгдошларим каби таълим олдим. Улғая бошлагач, бошқалардек эмаслигим учун юрагимни қамраб олган ўкинч ҳисси аста-секин мени тарк эта бошлаган. Унинг ўрнини эса ҳаётга бўлган муҳаббат, бахтли яшашга бўлган иштиёқ ва жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган шижоат эгаллай бошлаган.

Ҳозир ҳаётимдан мамнунман. Аввало, Президентимиз, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпмиз. Бу эса менга шу она Ватан “Сен ҳам менинг фарзандимсан”, дегандек доимо бошимни силаб тургандек туюлади. Шундай меҳрли Ватани севмай бўладими? Улғайиб, ҳаётни тўлиқ англаш, оила қурдим. Сўнгги йилларда юртимиздаги барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларни мунтазам кузатиб бораман. Айниқса, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътиборни алоҳида айтиш керак. Айнан шу жиҳат бизнинг оила учун ҳам катта имконият берди. Турмуш ўртоғимнинг ҳам гапиришида нуқсон бор. Биз маслаҳатлашиб, нововийчилик йўналишида оилавий тадбиркорликни ташкил этишга қарор қилдик. Бу ташаббусимиз қўллаб-қувватланди. Бизга ҳар томонлама кўмак берилди. Мана бир неча йилдан буён шу фаолият билан шуғулланиб, аҳолига иссиқ нон етказиб бераймиз.

Новвийлик касбини бободан ўрганганман ва бу ҳозирги ҳаётимда менга жуда асқаяпти. Бир кунда 600-700 та гача нон тайёрлаймиз. Буюртмалар ҳам кўп. Шунга яраша тармад ҳам яхши. Ҳозирда фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратяпмиз ва шогирдлар ҳам тайёрляпмиз.

Бизга яратилган имкониятлар тўғрисида жамиятда ўз ўрнини топадик. Оилавий тадбиркорлик фаолиятимиз Президентимиз назарига тушди. Яқинда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганимни айтишди. Бизни ҳеч кимдан кам кўрмай, меҳнатларимизни тақдирлагани учун давлатимиз раҳбарига раҳмат айтамыз.

Бахтли оиламиз бор. Турмуш ўртоғим билан ўзимизни имконияти чекланганлар деб ҳисобламаймиз. Бизда бошқалардаги бўлгани каби барча имкониятлар мавжуд. Икки нафар соғлом ўғил фарзандларимиз бор. Тўнғич ўғлим Миллий гвардия сафида хизмат қилапти. Яқинда иккинчи ўғлим тиббиёт соҳасидаги олийгоҳ талабаси бўлди. Энди эса тўйига ҳозирлик бошлаяпмиз.

Бу юртда бахтли бўлиш, фаровон яшаш учун барчага бирдек имконият ва шароит бор. Фақат юртимиздаги амалга оширилаётган эзгу ишларнинг моҳиятини англаш, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш ва халққа хизмат қилиб, жамиятнинг тараққиётига ҳисса қўйишимиз лозим. Бу эса фақат Ватанини севиб орқали амалга ошади. Ҳа, уйини, оиласини севган одам Ватани ардоқлайди. Чин дилдан олға интилиб меҳнат қилади.

Юртни севишни онамдан ўргандим

Феруза ХОЛИҚОВА,
Бойсун туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, хунарманд-каштакчи



“Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” деган саволга узоқ вақт жавоб ўйладим. Ахир фарзанд онасини яхши кўрмаслиги мумкинми? Унга бўлган меҳрининг асл манбаси қаерда, қандай эканини қай йўсинифода этсин?!

Шулар ҳақида ўйлаб, ҳаётим, фаолиятим ҳақида айтиб беришни жоиз топдим. Зеро, умримнинг ҳар лаҳзаси шу Ватан билан боғлиқ.

Онам бир умр кутубхонада ишлади. Нафақага чиққанида ҳам кутубхонага, қадрдон ишхонасига бир бориб келмасам, хуноб бўлиб юрарди. Кейинроқ ўзи уйда кутубхона ташкил этди. Уни ўлкашуносликка оид китоблар қаторида ҳунармандлик намуналари билан беади. Шу тарихқа мўъжазгина кутубхона пайдо бўлди. Назаримда, шунинг ўзидек ишга, юртга меҳр беришининг бир кўриниши. Ҳа, Ватанин севишни онамдан ўргандим.

Ушанда 6-синф ўқувчиси эдим. Кутубхонамиздаги суратларга бой “Ватан тарихидан ҳикоялар” китоби қўлимга тушди. Унда Ўзбекистон тарихидаги моҳир саркардалар, юрт озодлиги учун курашган халқ қаҳрамонлари ҳаёти ва курашлари суратлар воситасида ҳам кўрсатиб берилганди. Тўмариснинг ўзи китобда келтирилган бош кийими тасвири эътиборимни тортган ва илк бор худди шундай каштали бош кийим тўқинганман.

Ҳозир аниқ биламанки, илк кўл меҳнатим яхши чиқмаган. Аммо умр бўйи китоблар орасида яшаган онам

Ватан нималигини, ватанпарварлик қандай туйғу эканини ҳис қилгани, ўша пайтларда эндигина мустақил бўлган юртда истиқлол руҳи нелигини тушунгани учун ҳам “Мендан ҳам чиройли қилиб тикувчилик”, дегандим.

Болаларча тасаввурим билан бу гап мени руҳлантирган. Шу тарихқа либослар тиқишга қизиқиб қолдим. 8-9-синфларда ўқиб юрган кезларим мустақил ишлар қила бошладим. Шарқ рассомларининг миниатюра асарларини томоша қилиб, улардан нақшкор каштали намуналар чизиб, тикардим. Ўша пайтларда хорижа қишлоқ жуда қийин эди. Эсимда, Бойсуннинг “Шалоло” фольклор-этнография жамоаси Франция пойтахти Парижга бориб, концерт қўйиб келгани катта шов-шув бўлган эди. Уларнинг миллий либосларимизни Европага намойиш этганини суратларда кўриб, фахрланганман, завқланганман. Мен ҳам ўшандай либослардан намуналар яратиб бердим. Орадан йиллар ўтди. Ватанимизнинг билимли ўғил-қизлари халқаро майдонда фан, маданият, санъат тадбирларида қатнашиши одатий тусга айланди. Спортчиларимиз дунё майдонда байроғимизни банд қўтармоқда. Шулар ҳақида ўйлаганда юрагингиз фахрга тўлса, билингки, сиз ҳам ватанпарвар инсонсиз!

Ҳа, юртсеварликни унинг шон-шухратини баланд қўтарганлардан ўрганипман!

Бир гал “Бойсун баҳори” фестивали доирасидаги модалар кўргазмасида иштирок этиб, “Моҳир дизайнер ва хунарманд” йўналиши бўйича диплом ҳамда соврин олдим. Кейинги яна бир тадбирда “Шаддоқ қиз” номли коллекциям сабаб ЮНЕСКОнинг махсус грантини кўлга киритдим.

Фаолиятимни кенгайтириш учун давлат томонидан барча имконият яратилди. “Феруза” хунар маркази, унинг ҳузурда мўъжаз музейни ташкил қилдим. Фольклор даста, рассомлик, тикувчилик, каштакчилик, муноқаччилик тўғрисидаги тақдирларимни ташкил қилдим. 20 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант ҳисобига зарур асбоб-ускуналарга эга бўлдим. Тикувчилик цехи очиб, маҳалладаги кам таъминланган аёлларни ишга қилдим. Ижтимоий дафтларда турган хотин-қизларни касбга йўналтириб, ўқитиб келяпман.

Яқинда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига муносиб кўрилдим. Кейин ўйладим, инсон касбини севгани учун ишлайди. Шу юртни яхши кўргани боис, унга хизмат қилади. Бу туйғу ва ҳаракатлар қанчалик самимий бўлса, ундан келадиган натижа ҳам шунча юксалтиб бораверади. Ҳа, мен касбга садоқатни ва юртни севишни онамдан ўргандим. Ватаним эса онамдай меҳр кўрсатмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Тажрибамдан келиб чиқиб, бир мисол келтирмоқчиман. Президент билан мулоқот олтидан фаолиятимизда дуч келаётган масалаларни ён дафтарчамга белгилаб юрман. Барча саволларимга эса Президентимизнинг чуқур таҳлилларга асосланган маърузаларини эшитгач, тўлиқ жавоб топаман.

ЮРТИМИЗДА ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бирига айланган



Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни комплекс қўллаб-қувватлашнинг узлуқсиз занжирини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қўрилган чора-тадбирлар ва муҳим қарорлар қабул қилиниши натижасида сўнгги етти йилда янги Ўзбекистон ишбилармон доира вакиллари янги авлоди пайдо бўлди. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутаятган, нафақат ички бозор, балки халқаро бозорда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бораётган йирик хусусий бизнес субъектларидан бири “BMB HOLDING” компаниясидир.

— Кейинги йилларда ушбу ҳолдинг компания нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро бизнес ҳамжамаиётида ҳам катта оро бўлди. Бугунги кунда ҳолдинг инвестициявий лойиҳалар учун консалтинг хизматларини кўрсатиш, халқаро бизнес ва савдо алоқаларини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт ва импорт, инновацион технологияларни жорий этиш ва замонавий агро-саноат кластерлари соҳаларида самарали фаолият юритишда. Суҳбатимиз аввалида ҳолдингнинг ташкил этилиши, ривожланиши тарихи ҳақида тўхталангиз.

— Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланиши билан мамлакатни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш учун иқтисодий салоҳиятимизни ошириш, инвестицияларни жалб этиш ва энг муҳими, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалаларни давлатимиз сиёсатининг кун тартибига қўйди.

Шу маънода, тадбиркорларга яратилган имкониятлар меннинг ҳаётий мақсадларимни тубдан ўзгартириб, бизнесда ўз салоҳиятимни синаб кўриш истагини уйғотди. Илк даромадимизни хизмат кўрсатиш орқали топаганмиз. Яъни бизнес режалар ишлаб чиқиш, консалтинг хизматларини кўрсатиш бизнинг даромад манбаи бўлган. Кейинчалик қишлоқ хўжалигида ўйлаб юрган лойиҳаларимизни ҳаётий таъбиқ этиш мақсадида Жиззах вилоятининг Арнасой туманидан ер олдик. Бу ерга иккилачак экин сифатида мош, нўхат эдик. Биринчи уринишларимиз зое кетмади. Етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўзимиз кўганимиздан ҳам яхши натижа берди. Биринчи марта етиштирган ҳосилимизни хорижага экспорт қилишга эришдик. Жумладан, уларни Покистон, Ҳиндистон, Афғонистонга сота бошладик. Кейинчалик давлатга шартнома асосида пахта, галла етказиб бериш режасини олдик ва шундан даромад қилиб, аста-секинлик билан молиявий имкониятларимизни кенгайтирдик.

2017 йилда Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи доирасида Арнасой туманида озиқ-овқат кластерини ташкил этиш бўйича лойиҳамиз тақдим этилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари барча тадбиркорлар қатори менга катта ишонч билдирди. Бу кўшма куч бағишлади. Шундан сўнг тадбиркорлик фаолиятимиз янада кенгайтириш, ўзимиз янги тармоқларда синиб кўриш, хорижий шериклар билан қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш истаги пайдо бўлди. Натижада юртимизда биринчилардан бўлиб энг йирик пахта кластерини ташкил этишга муваффақ бўлдик. Доривор ўсимлик етиштириш кластерини, яъни заъфарон бредини яратдик. Кейинчалик эса мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этидик. Ушбу йирик лойиҳамиз, ўз навбатида, мева ва сабзавотларини саралаш, қадоқлаш, чуқур қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш имконини берди. Шу тариқа бизнеснинг турли босқичларидан ўтиб, кичик лойиҳамиз бугунги кунга келиб, “BMB HOLDING” сифатида шаклланди. Ҳозирги пайтда ҳолдинг 30 та корхонадан бирлаштирилади. Уларда бутун юртимиз бўйлаб олти мингдан ортиқ ишчи-ҳодимнинг бандлиги таъминланган.

— Айтиб ўтганимиздек, ҳолдинг бугун халқаро ва миллий миқёсда инвестициявий лойиҳаларини амалга оширмоқда. Хорижий мамлакатлардаги бизнес муҳитида яхши хабардор киши сифатида сўнгги йилларда Ўзбекистонда ишбилармон донорлар вакиллари учун яратилган инвестициявий муҳитни қандай баҳолайсиз. Сизни қониқтирмайдиган жиҳатлар, бизнес учун тўсиқ бўлаётган омиллар ҳам борми?

— Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида тадбиркорлар учун қулай инвестицион муҳит яратиш давлатимиз раҳбари ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бирига айланган. Соҳа вакиллари хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши бугунги кунга келиб, ўз натижасини бермоқда.

Ўзбекистонда солиқ қонунчилигининг такомиллаштирилиши, валютани эркин конвертация қилиш имконияти яратилиши, хусусий ер, мулк соҳасидаги ислоҳотлар ва шу каби соҳага оид бир қатор бошқа ижобий ўзгаришлар тадбиркорларнинг мамлакат

иқтисодиёти етакчилари сифатида номан ҳисоб қилинади. Ўзбекистон шароитида гоёнинг имконияти ва истиқболлари, ўзимизнинг бу борадаги салоҳиятимиз ҳамда бошқа бир қатор омиллар чуқур ўрганилди. Ниҳоят 2020 йилда, пандемия шароитида ушбу лойиҳани амалга оширишга киришдик. Дастлаб мутахассислари топиш, Европдан иқлимимизга мос заъфарон пиезошларини келтириш ва ундан қўланганидек ҳосил олиш даражасига етиб бориш учун етарлича меҳнат қилинди. Биринчи йил 55 гектар ерга заъфарон пиезошларини эдик. Ингиштириб олинган ҳосилга талабнинг юқорилиги ҳамда тўпланган тажриба лойиҳани янада ривожлантириш ва кенгайтириш истагини тугдирди. Бугунги кунда 400 гектар ерга заъфарон ўсимлиги етиштирилмоқда. Келгуси 3 йилда унинг плантациялари қамровини 1000 гектарга етказиш ва йилга 20 тонна маҳсулот олиш режалаштирилган.

“BMB Za’faron” маҳсулотини 2024 йил бошида минтақамизда биринчи бор заъфароннинг Америка бозорларига киришига имкон берувчи “USDA Organic” (AQSH Қишлоқ хўжалиги вазирига томонидан ишлаб чиқилган экологик сертификат) сертификатига эга бўлди. Бахмал туманида етиштирилган заъфаронни эса бир неча йиллик чуқур ва таҳлилий текширувлардан кейин Ўзбекистон ва Хитой идоралараро комиссияси хулосасига кўра, Хитой бозорларига экспорт қилиш бўйича тегишли рухсатномани олди.

— “BMB HOLDING” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кенг турларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шугулланади. Хусусан, заъфарон етиштиришда катта муваффақиятларга эришдик. Бугунги кунда Ўзбекистонда етиштирилган заъфарон ўсимлиги дунёнинг кўплаб минтақаларида харидориг бўлиб борапти. Айтинг-чи, Ўзбекистонда заъфарон етиштириш каби қийин соҳанинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсади қачон пайдо бўлди ва нега айнан шу ўсимликни экиш лойиҳасини тандалингиз?

— 2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарь вилоятига амалга оширган ташрифи чоғида тоғ, тоғолди ҳудудларида доривор гўёларни етиштириш юртимизда бу соҳани ривожлантириш ҳамда қимматбахо доривор ўсимликларни жаҳон бозорига экспорт қилиш масаласи устувор вазифа этиб белгиланган эди. Шунингдек, мамлакатимиз етақис томонидан Ўзбекистонда барча шароитлар бўлса-да, нега заъфарон етиштириш мумкин эмас, деган савол қўйилиб, ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича алоҳида кўрсатма берилди. Кейинроқ Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи доирасида заъфарон етиштириш бўйича лойиҳамизни тақдимот қилидик. Давлатимиз раҳбари лойиҳа билан танишгач, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдирди, маъсул мутасаддиларга дастурни тезроқ рўйбга чиқариш бўйича кўрсатма берди.

Тўғриси, бошида бу лойиҳани амалга ошириш осон бўлмади. Аввало, ички ва ташқи бозордаги талаб ва таклиф таҳлил

қилинди. Ўзбекистон шароитида гоёнинг имконияти ва истиқболлари, ўзимизнинг бу борадаги салоҳиятимиз ҳамда бошқа бир қатор омиллар чуқур ўрганилди. Ниҳоят 2020 йилда, пандемия шароитида ушбу лойиҳани амалга оширишга киришдик. Дастлаб мутахассислари топиш, Европдан иқлимимизга мос заъфарон пиезошларини келтириш ва ундан қўланганидек ҳосил олиш даражасига етиб бориш учун етарлича меҳнат қилинди. Биринчи йил 55 гектар ерга заъфарон пиезошларини эдик. Ингиштириб олинган ҳосилга талабнинг юқорилиги ҳамда тўпланган тажриба лойиҳани янада ривожлантириш ва кенгайтириш истагини тугдирди. Бугунги кунда 400 гектар ерга заъфарон ўсимлиги етиштирилмоқда. Келгуси 3 йилда унинг плантациялари қамровини 1000 гектарга етказиш ва йилга 20 тонна маҳсулот олиш режалаштирилган.

— Аввало, шунга қайд этиш керакки, Президентимизнинг сиёсий иродаси билан соҳани ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий асослари мустаҳкамланди, тадбиркорларга эғибор тубдан ўзгарди. Энг асосийси, давлат раҳбарининг соҳага бўлган алоҳида эътибори бугун ўзининг ижобий самарасини берапти. Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотига келаётган бўлса-да, менимча, бундай институти дунёнинг ҳеч бир давлатида йўқ. Ишонч билан айтганим мумкинки, анъанага айланб улгурган маъмур йирик тадбир янги Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган, рақобатта чидамли тадбиркорлар синфи шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Иш юзасидан қўллаб-қувватланадиган бўлган. Хусусан, Италия, Германия, AQSH, Австралия ва бошқа давлатлардаги ҳамкорларимиз билан ҳар йили мулоқотини алоҳида эътироф этиди. Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашиб, соҳадан тизимли муаммо ва масалаларни ештиб, уларга ечим топиб бериши иккала томон учун ҳам катта ютуқ асди. Бу учрашув тадбиркорларни ўзларининг бир йиллик фаолиятларига баҳо бериш ва истиқбол режаларини белгилаб олишида ҳам муҳим мулоқот майдонига айланган. Мамлакатимиз етақисининг очик мулоқотдаги маърузаси ва соҳани янада ривожлантириш, мавjud тўсиқларни олиб ташлаш, ишбилармонларга имтиёзлар тақдим этишга қаратилган муҳим ташаббуслари эса тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тажрибамдан келиб чиқиб, бир мисол келтирмоқчиман. Президентимиз билан мулоқот олтидан фаолиятимизда дуч келаётган масалаларни ён дафтарчамга белгилаб юрман. Барча саволларимга эса Президентимизнинг чуқур таҳлилларга асосланган маърузаларини эшитгач, тўлиқ жавоб топаман.

— 2022 йил август ойида Ўзбекистон Президентини фармойиши билан “Фаол тадбиркор” кўркати олиш, 2023 йилда эса



мувофиқлиги энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Биз ишимизда ва амалга ошираётган лойиҳаларимизда, хусусан, заъфарон етиштиришида ана шу жиҳатларни ҳисобга олганмиз.

— Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиш формати жорий этилди. Айтинг-чи, маъмур сый-ҳақаракат ҳолдинг фаолиятини нечоғлиқ таъсир қўрсатмоқда?

— Саволга жавоб беришдан аввал бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмади. Гап шундаки, бизнинг кириб келишимдан олдин қатор давлат ва жамоат ташкилотларини 15 йилдан ортиқ вақт давомида ишлаган. Лекин давлат муқофоти у еқда турсин, ҳатто бирор марта бўлса-да, фахрий ёрлик олган эмасман. Бугун эса жонажон юртимиз — Ўзбекистон тараққиёти учун чин дилдан меҳнат қилган киши бор-ки, давлатимиз ва мамлакатимиз раҳбарининг эътиборида. Юртимиз олдидаги кичик меҳнатларимиз эътироф этилгани фақат менга берилган баҳо эмас, бу ҳолдинг тизимидаги ишлаётган минглаб фидойий инсонлар меҳнатининг эътирофидир. Бизга берилган давлатимизнинг бундай юксак муқофотлари, жамоамизга янада ишонч, мотивация беради, олдимизга қўйилган мақсадларни амалга оширишимиз учун жуда катта куч бағишлайди.

— Хорижий инвестицияларини жалб этиш, янги ҳамкорларни топиш ва миллий маҳсулотларини экспорт қилишда иқтисодий дипломатия йўналиши муҳим аҳамият касб этаётми? Сиз раҳбарлик қилаётган ҳолдинг маъмур жаҳода мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари имкониятидан фойдаланганими? Қисқа қилиб айтганда, элчионаларимизнинг бу борадаги ишларидан қанчалик қониқиб ҳосил қилаясиз?

— Тўғриси айтиш керак, авваллари дипломатлар билан учрашиб имконият эди. Бирор-бир хорижий давлатга бориб, мамлакатимиз элчиси билан учрашмоқчи бўлсангиз ҳам у тадбиркорни қабул қилмас эди. Бу очик гап. Элчи фақат сиёсат билан шугулланарди. Президентимизга катта раҳмат, элчини нафақат сиёсат, балки иқтисодга ҳам жалб қилди. Бу, албатта, тадбиркорлар учун катта шароит ва имконият эшикларини очди. Шунингдек, ушбу соҳадagi очкилик, ўз навбатида, тадбиркор учун хорижий ҳамкорларни топиш, инвестицияларни жалб қилишда муҳим кадам бўлди.

Бугунги кунда ҳолдинг фаолиятида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг ўрни жудаам катта, амалга ошираётган қўллаб-қувватлашни ҳаётга таъбиқ этилишида уларнинг кўмагини ҳис қилаямиз. Ўзбекистон элчиларининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимининг давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, хусусан, Россия, Хитой, AQSH ва Польша, Австралия, Латвия сингари давлатларнинг дипломатик миссиялари билан ҳам яқин иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Лойиҳаларини самарали амалга оширишда дипломатик ваколатхоналарнинг ўрни жуда катта.

— Бугунги кунда “BMB HOLDING” қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият юритаяпти. Ҳолдингнинг истиқболдаги режалари ҳам ўқувчиларимиз учун қизиқ.

“Дўстлик” ордени билан тақдирландигиз. Тадбиркорлик фаолиятингиз давлатимиз раҳбарияти томонидан юксак эътироф этилган оналрини ёдга олиб ўтсангиз.

— Қизилқорни савол бўлди. “BMB HOLDING” мамлакатимизда спортни, хусусан, футбол ва футболни ривожлантиришнинг ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўради. Ҳолдинг 2021 йилда “Сугдиёна” футбол клубига, 2022 йилда “Локомотив” футбол клубига ҳомийлик қилди. 2023 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг ҳомийларидан бири ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, ҳолдинг тизимида “BMB PROFESSIONAL FUTSAL CLUB” жамоаси фаолияти йўлга қўйилди. Жамоага бир қатор маҳаллий ва бразилиялик машҳур футболчилар жалб этилди. Сўнгги икки йилда жамоа Ўзбекистон кубоғи ва Ўзбекистон суперкубоғини қўлга киритди. Бугунги кунда жамоамиз таркибининг асосини футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасида ўйнайдиган футболчилар ташкил этади.

30 июнь — Ёшлар кўни муносабати билан Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда Милан шаҳридаги “ORRO ROSSO” бренд лойиҳаси доирасида (маъмур бренд бугунги кунда Италиянинг “Милан” ва “Моңца” футбол клубларининг расмий ҳамкори ҳисобланади) “Милан” футбол клубининг ўрт нафар машҳур соғиб футболчилари — Дида, Сержиньо, Пануччи ва Закардо каби жаҳон ва Европа чемпиони бўлган чарм тўп усталарининг мамлакатимизга ташрифини уюштирдик. Машҳур футболчиларнинг Ўзбекистонга келиши ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини ва фаоллигини оширишга хизмат қилди, деб ўйлайман.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 14 сентябрь — 6 октябрь кунлари мамлакатимизда футбол бўйича Жаҳон чемпиони таъбиқ этилди. Ушбу футбол байрамига “BMB HOLDING” ҳам асосий ҳамкор ташкилот сифатида катта тийёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, ҳолдинг компаниямиз иқтидорли ёш шахматчиларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Уларни ҳолдингнинг юв, элчиси сифатида эътироф этиб, бренд-амбассадорлари дая атайимиз. Хусусан, ФИДЕ спорт усталари Хумоюн Бекмуродов Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган “X Chessable Sunway Sites International Chess Festival-2023” шахмат фестивалида кумуш медални қўлга киритди, шунингдек, жорий йил 3-13 май кунлари БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган “Dubai Police Global Chess Challenge” халқаро турнирида олтин медал соҳиб бўлди.

Яна бир ёш шахматчимиз, халқаро шахмат мактаби ўқувчиси, блич ва раpid йўналишларида жаҳон чемпиони, ФИДЕ спорт устаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Зулфия номидаги давлат муқофоти соҳибаси, “BMB HOLDING” бренд-амбассадори Умида Омоновадир. Умида жорий йил апрель ойида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг 18-тур натижаларига кўра, го-либликни қўлга киритди.

Яна бир гап, “BMB HOLDING” қайси йўналишида фаолият олиб бормасин давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини ошириш ва Ватанимиз тараққиёти йўлида ўзининг барча имкониятлари ҳамда салоҳиятини сафарбар этади.

— Яқин истиқболга мўлжалланган режаларимиз кўп. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйиш, Сирдарь вилоятида тўқимачилик фабрикасини ишга тушириш устида ишлаяёмиз. Тиббиёт йўналишида дастлабки лойиҳамиз 2025 йилда Навоий вилоятида соғломлаштириш марказининг ташкил этилиши бўлади. Шунингдек, Ташкент шаҳри ва Ташкент вилоятларида “Заъфарон” ресторани ва меҳмонхоналар тармоғи йўлга қўйилди.

Туркиянинг “Токсел Макина” ташкилоти билан биргаликда қиймати 50 миллион AҚШ долларига тенг “Энергия самарадор техноло-гиялар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш ва қайта ишлашни ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

— Сўнгги саволимиз мавзудан ташқари бўлиши мумкин, аммо бу йўналиш ҳам кўпчилик учун жуда қизиқарли. Спорт, хусусан, футболдаги лойиҳаларингиз ҳақида сўрамоқчи эдик. Футбол ва футболдаги мақсадларингиз қандай? Спортнинг шахмат тури бўйича “BMB HOLDING” бренд-амбассадорлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Қизилқорни савол бўлди. “BMB HOLDING” мамлакатимизда спортни, хусусан, футбол ва футболни ривожлантиришнинг ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўради. Ҳолдинг 2021 йилда “Сугдиёна” футбол клубига, 2022 йилда “Локомотив” футбол клубига ҳомийлик қилди. 2023 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг ҳомийларидан бири ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, ҳолдинг тизимида “BMB PROFESSIONAL FUTSAL CLUB” жамоаси фаолияти йўлга қўйилди. Жамоага бир қатор маҳаллий ва бразилиялик машҳур футболчилар жалб этилди. Сўнгги икки йилда жамоа Ўзбекистон кубоғи ва Ўзбекистон суперкубоғини қўлга киритди. Бугунги кунда жамоамиз таркибининг асосини футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасида ўйнайдиган футболчилар ташкил этади.

30 июнь — Ёшлар кўни муносабати билан Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда Милан шаҳридаги “ORRO ROSSO” бренд лойиҳаси доирасида (маъмур бренд бугунги кунда Италиянинг “Милан” ва “Моңца” футбол клубларининг расмий ҳамкори ҳисобланади) “Милан” футбол клубининг ўрт нафар машҳур соғиб футболчилари — Дида, Сержиньо, Пануччи ва Закардо каби жаҳон ва Европа чемпиони бўлган чарм тўп усталарининг мамлакатимизга ташрифини уюштирдик. Машҳур футболчиларнинг Ўзбекистонга келиши ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини ва фаоллигини оширишга хизмат қилди, деб ўйлайман.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 14 сентябрь — 6 октябрь кунлари мамлакатимизда футбол бўйича Жаҳон чемпиони таъбиқ этилди. Ушбу футбол байрамига “BMB HOLDING” ҳам асосий ҳамкор ташкилот сифатида катта тийёргарлик кўрмоқда.

Бундан ташқари, ҳолдинг компаниямиз иқтидорли ёш шахматчиларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Уларни ҳолдингнинг юв, элчиси сифатида эътироф этиб, бренд-амбассадорлари дая атайимиз. Хусусан, ФИДЕ спорт усталари Хумоюн Бекмуродов Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган “X Chessable Sunway Sites International Chess Festival-2023” шахмат фестивалида кумуш медални қўлга киритди, шунингдек, жорий йил 3-13 май кунлари БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган “Dubai Police Global Chess Challenge” халқаро турнирида олтин медал соҳиб бўлди.

Яна бир ёш шахматчимиз, халқаро шахмат мактаби ўқувчиси, блич ва раpid йўналишларида жаҳон чемпиони, ФИДЕ спорт устаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Зулфия номидаги давлат муқофоти соҳибаси, “BMB HOLDING” бренд-амбассадори Умида Омоновадир. Умида жорий йил апрель ойида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг 18-тур натижаларига кўра, го-либликни қўлга киритди.

Яна бир гап, “BMB HOLDING” қайси йўналишида фаолият олиб бормасин давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини ошириш ва Ватанимиз тараққиёти йўлида ўзининг барча имкониятлари ҳамда салоҳиятини сафарбар этади.

Муҳаммадқул Жонмурод ўғли (Пўлкан бахши) таваллудининг 150 йиллиги

Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадриlidir.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Миллий ўзликни тараннум этиб

ёхуд кирилл имлосини яхши билмагани учун саводсизга чиқарилган бахши

Шахар боласи эмасманми, ўспиринлик давримгача бахшилар ким, бахшичилик нима билмасдим. Собиқ иттифоқ ўқув дарсликларидан бу мавзу жуда чекланган эди. Сирасини айтганда, шахар шариоитида бунга қизиқтирувчи муҳит ҳам бўлмаган.

У даврлар бахшиларнинг чиқишларини онда-сонда телевидение орқали кузатиш мумкин эди, дўмбира ва бахши овозини узоқ тинглаб ўтиришга сабр қаёқда...

танловларида тобора ёш йигитлар ва ҳатто қизлар ҳам дўмбира чертиб, дoston ва термаларни баралла куйламоқда. Бахшичилик ўз анъана, мактаб ва истиқболга эга санъатга айланди.

Айниқса, кейинги йилларда миллийликни теран англаш ва ёшларда миллий қадриятлар билан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлаш, ватанимиз ҳудуди инсоният маданиятининг илк бешикларидан бўлганлиги далилларини жаҳон ҳамжамиятига етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Бу даражага ўз-ўзидан етиб келинмади, албатта. Собиқ шўролар даври мафқураси оқибатида Наврўз байрами каби қадриятларимиз қатори бахшичилик санъати ҳам кўп таъкидларни бошидан кечирди. Турли катта-кичи йиғилишларда бахшиларга “бақироқ чол” тамгалари ёпиштирилди.

— Мустабид тузум ўзининг сўнгги нафасини олаётган йиллар эди. Жарқўрғонга Марказий Қўмита котиби келиб, Наврўз байрамини таққиллаш бўйича катта йиғилиш ўтказди, — деб хотирлайди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Турсунали Қўзиев. —

Кейинчалик Жаҳонгирнинг айтишича, Отаёр ака Ёзувчилар уюшмаси фольклор кенгаши раиси ўринбосари сифатида мавзу билан алоҳида шуғулланган, юртимизнинг барча вилоятларини кезиб чиққан, бахшилар, бахшичилик ҳақида кўплаб мақолалар ёзган, китоб чиқарган.

Хуллас, ўша кўни бахшилар ҳақида мақоланинг тайёр бўлишига дўстим билан менинг ҳам ҳиссам қўшилди. Боз устига менда бахшичилик борасида дастлабки таассуротлар шакллана бошлади. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Ислоҳ шоир, Бола Бахши, Едгор бахши, Умарқул Пўлкан, Чори бахши ва Қодир бахши каби исmlарга илк бор дуч келдим.

Илмий манбаларда шундай таъриф келтирилади: “Бахши — терма, қўшиқ ва дostonларни сақловчи, ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ дostonчиси. Бахши халқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ва бирор чолуғу чалишини биллиши, хонадналик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли халқ тилининг турли шаклларида, сўз ўйинлари ва қочиринларидан, халқ мақоллари ва ибораларидан унумли фойдалана олиши лозим”.

Шу боис бўлса керак, бахши деганда, кўз ўнгимизда соч-соқоллари оқарган, бийрон сўзловчи ва ҳозиржавоб, доғимизда нуронийнинг образи намоён бўлади. Юртимизда ҳозир бахшичилик санъати фестивал ва



“Билиб қўйларинг, бизда Наврўз байрами ва бахшилар ҳеч қачон бўлмайдими. Шу сабабли ҳамма масъулларнинг ўзлари ҳам, яқинлари, ходимлари ҳам Наврўз байрамиди

қатнашмасин, бахшилару оқинлар бундай тadbирларга жалб қилинмасин. Кўрсатмани бузганларга нисбатан қаттиқ чора кўрилиши ҳақида оголхатирлисин”, деб ўшқирган пайтларни ҳам кўрдик.

Сўнгги йилларда маданий ва моддий меросимиз бутун дунёга кенг тараннум этилмоқда. Наврўз миллиятларо қадрият сифатида ЮНЕСКО рўйхатидан мустаҳкам жой олди. Мазкур нуфузли ташкилот шафелигида Ўзбекистон ташаббуси билан бахшичилик санъати туйғули бизларга етиб келган “Алпомиш” дostonининг 1000 йиллиги жаҳонда кенг нишонланди. Дoston турли тилларда нашр этилди, у айнан бахшилар туйғули йўқолиб кетмай, шу кунгача етиб келди ва умумжаҳон маданий меросига, маънавий мулкига айланди.

Шунингдек, бахшичилик санъати жаҳон номодий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритилди, бу ҳам халқаро ҳамжамият учун муҳим аҳамиятга эга воқеа. Ушбу қарор бахшичиликни асраб-авайлаш ва ривожлантиришда бундан бунён Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланишини аниқлатади. Энди “Бахшичилик санъати” тушунчаси бутун дунёда кенг тарғиб қилинади, бу маданият йўқолиб кетмайди, аксинча, ривож топиб бораверади.

Ўзбек дostonчиликда халқ эпоси намуналарини, мазкур санъат турини олий даражада ижро этган бахшилар жуда кўп бўлган. Унлаб улкан санъаткорлар асрлар давомида асл фарзандлар томонидан яратиб келинган дostonларни меҳр билан айтиб маҳаллий аҳоли ўртасида шухрат топди. Уларни санъат мухлислари бахши, шоир номи билан эъзозлади. Ана шундай тилларда дoston бўлган иқбол соҳибларидан бири, атоқли халқ бахшиси, номини ўзбек дostonчилик мактаби асосчилари қаторида турувчи бахши Пўлкан шоирдир.

Юртимизда бахшилар ва бахшичиликка эътибор яна кучайиб, уларнинг бой мероси тарғиб қилинаётгани ортдан жорий илм Муҳаммадқул Жонмурод ўғли (Пўлкан бахши) таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланди.

— Бу ҳақда 2024 йил 14 феврал кuni Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинган, — дейди Республика бахшичилик санъати маркази директорининг ижодий масалалар бўйича ўринбосари Зафариддин Темиров. — Унга кўра, мамлакатимизда адабиёт, маданият ва санъат, илм-фан соҳаларини ривожлантириш, ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси, ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавийтини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган бир қатор миллиятимиз ойдinларининг таваллуд саналари муносабати билан фаолиятлари чуқур ўрганилади ва тарғиб этилади.

Қайд этиш керак, юқорида номи тилга олинган ҳужжат билан мазкур вазирлар ижросини самарали амалга ошириш мақсадида дастур ҳам тасдиқланган. Унда белгиланган тadbирларни ўз вақтида ва сифатли ташкил



АТОҚЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ БАХШИ-ШОИРЛАРИ

ИСЛОҲ ШОИР НАЗАР ЎҒЛИ ЭРТАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОД ЎҒЛИ ПЎЛКАН ШОИР

қўшимчаси қўшилишдан ҳосил бўлган, деган қарашлар бор. Бошқа маълумотларга кўра, “Пўлкан” қадимги мўғулчада “улуғ”, “катта” маъноларини англатади. Бахши шоир шу сабаб бу сўзни тахаллус сифатида қабул қилган бўлиши мумкин, деган фаразлар ҳам йўқ эмас.

Пўлкан ўтган асрнинг 20-йилларидан ўзбек фольклоршунос олимлари эътиборига тушди. Ҳоди Зариф, Буюк Каримов, Мансур Афзалов, кейинчалик Охунжон Собиров, Муҳаммаднодир Саидов, Малик Муродов каби мутахассислар ундан эътибор олинган асарларини ўрганди. Бахши “Тўрўғлининг тугилиши”, “Юнус пари”, “Тулпор пари”, “Авазон” дostonларини алоҳида маҳорат билан ижро этган. Шунингдек, “Едгор”, “Шайбонийхон”, “Қиронхон”, “Қутлугмиш” дostonларини ўзига хос усулда айтганини тадқиқотларидан ургулади.

В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов 1947 йилда нашр қилган “Ўзбек қаҳрамонлик эпоси” китобида Пўлкан ижросидаги “Қиронхон” дostonи 20 минг мисра шеърдан иборат экани алоҳида таъкидланган. Таниқли олим Мансур Афзалов “Пўлкан шоир” китобида: “Пўлкан шоир чет эл босқинчиларининг айёрлик, қўрқоқлик сифатларини усталлик билан кўрсатиб, душманлар образини ёрқин чиқиб беради”, деб ёзган эди.

Собиқ тузум пайтида Пўлкан шоир оғзидан ўттиздан ошиқ дoston ва термалар эътибор олинган. Унинг қувваи хотирасида халқ тафаккури ҳосиласи бўлган шунча дoston бўлишига қарамай саводсиз, деган тамга олади. Яъни Пўлкан шоир ўша даврда янги жорий қилинган кирилл имлосини яхши билмагани учун саводсиз, деб ҳисобланган. Ҳолбуки, Пўлкан бахши дostonлардан ташқари хатирчилик шайхдан Қурьонни Қаримни ўрганган ҳамда ислом динини ва фалсафасини яхши билган илмий шахс эди.

“Пўлкан — бахши бўлуви ила баробар бир шоирдир. Бу одам ҳозир саксонга яқин дoston биладири. Бу дostonларнинг беш-олтитагиса замонавий бўлиб, қолганлари ўтган қаҳрамонлар, ботиқларга тегишлидир”, деб ёзган эди 1927 йилда таниқли фольклоршунос олим Ҳоди Зариф.

Пўлкан шоирнинг репертуарлари мавзу ва жанр жиҳатидан турли-туман бўлиб, уларда ўзбек халқининг ўтмишидаги ҳаёти, урф-одатлари, интилиши ва орзу-умидлари ифодаланган. “Ҳасан батрак” дostonида ўзбек меҳнаткашларининг ер ва сув ҳақидаги орзу-тилаклари, бу йўлдаги кураши акс этган. Пўлкан куйлаган анъанавий дostonлар ҳам говийи ва бадийи юксаклиги билан ажралаб туради. Унинг ижоди ўзбек фольклори тарраққетида муҳим босқич бўлди.

Бахши-шоир 1942 йилда қатагонга учраб, Каттақўрғон қамқоқонасига қамалгандан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай сил касалини туйғули вафот этган.

У ўз халқини, ёш авлодини юмий инсон сифатида тарбиялашини учун муносиб ҳисса қўшган асл инсон. Пўлкан шоир бутун ижодини ёш авлодга аждодларимиз меросини етказиб беришга сарфлади. Бир шоир, шу ватан фарзанди сифатида ўз халқининг қонига жўш урган озоқлик, мардлик ва тапгиллик каби фазилатларини йўқиб қуйлади. У куйлаган дostonлардаги бош гога эса юмий инсон тарбияси, Ватан мустақиллиги каби эзгу гога асосланган эди.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

АСРИЙ АНЪАНАЛАРНИ УЛУҒЛАГАН

Хўнардан



мақсадида 200 дан ортиқ экспонатга эга музей ташкил қилган. Музейга келувчилар ҳам кўп. Қора ўйни яшаш жараёни ўзгача. Аввало, тол дарахти шохлари кесиб олиниб, улар арчилади ва қуритилади. Сўнг сувга солиб ивтилади. Егоч ивигач, эгиб, керага ясалади. Уйнинг доира шаклидаги тепа қисми оқ толдан, эрганакни яъни бусагани, (эшик) пешонасини эмандан, агар эман топилмаса, ўрик дарахтидан ясашади. Шанарақ — бу оила, деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам ўтовнинг тепадаги доира қисмини шанарақ, деб аташади. Ўтов ҳажми буюртмага қараб, 6, 8, 12, 16, ҳатто 30 қанотгача катталашиб бораверади. 6 қанотли уйнинг айлана шакли 5 метр 30 сантиметр ташкил этади. Унга 15 киши бемалол жойлашади.



Айтиб ўтганимиздек, уста-тadbиркор Азамат Турекеев жамоаси ясаган ўтовлар миллийлиги билан алоҳида ажралаб туради. Шу боис, уларга ҳам ўзимизда, ҳам хориж давлатларида қизиқиш юқори.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Боқий мерос

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Гап шундаки, сўнгги пайтларда уни узоқ жойлардан излаб келиб, буюртма берувчилар сонин анча кўпайган. Битта ўтовни тўлиқ ишлаб чиқиш учун эса қирқ кун вақт сарфланади. Бир неча босқичлардан ўтадиган қора уй ясагининг ўзига хос машаққати бор. Масалан, аёллар ўтовнинг шийларини тўқиса, яна бири кигиз босади. Хўнардан қизлар боғлов ипларини тайёрлайди. Шу аснода миллийликни ўзида муҳассам этган ўтов пайдо бўлади.

мерос сифатида ўтиб келмоқда, — дейди Азамат Турекеев. — Жумладан, ўзим учинчи авлод вақилиман. Азалий анъаналаримизни давом эттириш, уни ривожлантириш мақсадида ушбу хўнарни давом эттирялман. Албатта, бундан фахрланаман. Қилган меҳнатларим, аввало, харидорлар томонидан эъзозланса, айни пайтда давлатимиз томонидан ҳам юксак баҳолашиб келинмоқда. Азамат Турекеев Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус” кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакат босқичларида бир неча бор совриндор ҳамда номинациялар голиби бўлган. Юртимиз ҳамда хорижий давлатларда ўтказилаётган нуфузли кўرғазма, фестивалларда унинг ўтовлари фаол намоёйиш этиб келинади. Тadbиркорнинг мана шундай камтарона, лекин самарали меҳнати муносиб баҳолашиб, Президентимизнинг яқинида эълон қилинган фармойишига асосан, “Фаол тadbиркор” кўкрак нишонини билан тақдирланди. Тadbиркор, шунингдек, анъана ва қадриятларини сақлаш, кейинги авлодларга қолдириш

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлаланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2808. 41126 нуسخада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй